

ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДА ОТНИНГ ЎРНИ ВА МИЛЛИЙ ТАФАККУРДА ИНЪИКОСИ

Назаров Насриддин Атакулович

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори, тарих фанлари доктори*

E-mail: nasrid@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0008-1114-4593>

УДК: 398.22:636.1

Аннотация: Ушбу мақолада миллий қадриятлар намунаси сифатида от феноменига эътибор қаратилиб, туркий халқлар ижтимоий-маданий ҳаётида отга бўлган муносабат масалалари тадқиқ этилади. Айниқса, ўзбек миллати таркибидаги лақай элати ижтимоий-маданий ҳаётида отнинг аҳамияти, ушбу мавзуга тадқиқотчилар муносабати ҳамда тарихий жараёнларда отнинг инсон дўсти сифатидаги ўрни масаларига тўхталади. Шунингдек, халқ оғзаки ижодининг миллий қадриятларимизни ифодалашдаги ўрни масалаларига эътибор қаратилиб, фольклор намуналарида от ҳақидаги мақоллар ёритилади.

Калит сўзлар: От, миллий қадриятлар, туркий халқлар, ўзбеклар, лақайлар, фольклор, мақоллар, йилки, қулун, улоқ тортиш, соврин.

Аннотация: В данной статье рассматривается феномен коня как образец национальной ценности, а также исследуется отношение к лошади в социокультурной жизни тюркских народов. В частности, обсуждается значение коня в социально-культурной жизни лакайцев в составе узбекской нации, отношение исследователей к исследуемой теме, а также роль коня как друга человека в исторических процессах. Также уделено внимание место фольклора в выражении наших национальных ценностей, на фольклорных примерах выделены пословицы о коня.

Ключевые слова: Конь, национальные ценности, тюркские народы, узбеки, лакайцы, фольклор, пословицы, лошадь, жеребенок, козлодрание, приз.

Abstract: This article examines the phenomenon of the horse as an example of national value, and also examines the attitude towards the horse in the socio-cultural life of the Turkic peoples. In particular, the significance of the horse in the socio-cultural life of the Lakays as part of the Uzbek nation, the attitude of researchers to the topic under study, as well as the role of the horse as a friend of man in historical processes are discussed. Attention is also paid to the place of folklore in expressing our national values; proverbs about the horse are highlighted using folklore examples.

Key words: Horse, national values, Turkic peoples, Uzbeks, Lakays, folklore, proverbs, horse, foal, goat-riding, prize.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида туркий халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келганлар. Туркий халқлар ижтимоий-маданий ҳаётида от минглаб йилликлар давомида етакчи ўрин эгаллаб келганлиги оғзаки ижод намуналаридан ҳам маълум. Чунончи ўзбек миллати таркибидаги лақайлар диалектида: «*Бир кун вомириң боса ат ал, еки кун вомириң боса хатин ал*» мақолининг мавжудлиги отнинг туркий халқлар ҳаётида хотиндан ҳам олдинги мавқеда турганлигини кўрсатади. Шу боис, ўзбек миллий поэтикасида Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб: «*Ёрдан кечдим отни деб, элга бўлдим эрмаклар, қайдан билсин от қадрин, от минмаган эркаклар*» [1; 182], мисраларининг мавжудлиги ҳам отнинг туркий халқлар ижтимоий-маданий ҳаётида тутган ўрнини ифодалашга хизмат қилади.

Ўзбек миллати вакиллари томонидан қорабайир, қозоқ миллат вакиллари томонидан адаев, қушум, жебе, туркман миллати вакиллари томонидан ахалтекин, қирғиз ва бошқирд отлари туркий халқлар ижтимоий-маданий тараққиётини таъминлаб келганлиги эътиборлидир. Жанубий Тожикистон ва шимолий Афғонистонда яшовчи ўзбек миллати таркибида бўлган лақайлар томонидан бундан 3-4 аср илгари етиштирилган Лақай от зотлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Лақайлар бугунги Тожикистон Республикасининг Кофарниҳон, Элак, Явансув, Даҳанасув, Қизилсув, Яхсув, Тайирсув, Вахш дарёлари ҳавзаларидаги кенглик ва адирликларга қадимдан жойлашган бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларида минтақа чорвачилиги ривожига ҳисса қўшиб келганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАРИ (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ / METHODS). Лақайлар қадимдан от, майда мол, йирик шохли чорва, шунингдек камроқ миқдорда туялар ҳам етиштирганлар [2; 62 с.]. Бу ҳақда Ф.И.Льютко ҳам ўз асарида тўхталиб, Лақайда (Льютко Лақай деб, фақатгина Ҳисор лақайларини назарда тутиб, Балжувон лақайлари тўғрисида ҳеч нарса демаган) ишчи отлар миқдори 5000, уюрдаги отлар миқдори 51000 эканлиги ёзган [3; 41 с.].

Қармишеванинг ёзишича йигирманчи асрнинг биринчи ярмида лақайларда отлар миқдори ва сифати жиҳатидан етакчи ўринни эгаллайдиган бойлар довуғи минтақадан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Жумладан, Ҳисор лақайларидан энг йирик бой Ёвон жулгесининг Ғарав қишлоғидан – Матам-бий ҳисобланиб, мингта оти бўлган, Балжувон лақайларидан энг йирик бой Сельбур қишлоғидан (чиркиравуқ уруғидан) – Холбобобой бўлиб, унинг тўққиз юз оти ва уч минг қўйи бўлган. Баччемазар қишлоғидан (байтолиш уруғи) Амиралибойнинг беш юз оти, ўн минг қўйи ва 50-60 туяси бўлган. Кўктош жулгесининг

Чолтош қишлоғи (Эсенхўжа уруғининг Ақсари шохчасидан)дан бўлган Жўрақул тўхсабанинг, Беш қапа қишлоғидан Мўлла Жала, шунингдек Мўлла Якубларнинг ҳамда Данғаранинг Гумсув қишлоғидан Қума-бий (Эсанхўжа уруғининг Қулумбет шохчаси), Беш булоқ қишлоғидан (Бадрахли уруғининг Катта мерган шохчаси) Муҳаммади-бий, Даҳанасувдан Тўрахонбойнинг зотли отларининг таърифи ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳозиргача элат вакиллари орасида ғурур билан тилга олинади. «Лақайлар ўз отларини туркманларнинг «топичоқ» отларидан фарқли равишда «жаби» ёки «йаби» деб аташади» [2; 70-71 с.]. Маълумки, «жаби» ёки «йаби» отлари жуда йирик бўлмаган, лекин кучли, бадани мустаҳкам ва пишиқ бўлган отлар турига айтилса, «топичақ» йирик отларга нисбатан ишлатилади. «Жабе» атамаси жанубий-ғарбий ва жанубий-шарқий Қозоғистонда учрайдиган қозоқ отларига нисбатан ишлатилиб, улар кузда ўз баданларига ёғни сингдириб олувчи мустаҳкам отлардир» [4; 112 с.]. Ушбу жиҳат ҳам туркий халқларда ижтимоий-маданий жараёнлардаги ўхшашликлар, қадриятларимиздаги фарқиятдан кўра умумийликлар кўп эканлигини билдиради.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Лақайи от зотлари унчалик йирик бўлмаган, лекин кучли, иссиқ ва изғирин шароитларга чидамли, чакқон ва чопқир отлар сифатида танилиб, собиқ иттифок бўйлаб ўтказилган қатор мусобақалар совриндори бўлганлигини катта авлод вакиллари яхши эслайдилар. Лақайи отларнинг ташқи кўринишини ўн тўққизинчи асрнинг охирида Балжувон беклигига ташриф буюрган рус офицери: «Бекнинг илтифотлари туфайли, бу ерда мен бир неча юз отларни кўришга муваффақ бўлдим. Бу жиҳат менга ўзининг яхши сифатлари билан машҳур бўлган маҳаллий отлар тўғрисида тасаввурларимни бойитди. Умуман, чиройли отлар, бошлари енгил ҳаракатларни таъминловчи, оёқлари эса йўғон ва бақувват, кўкраклари яхши ривожланган, бели узун бўлмаса ҳам яғрини

кенг, кучли эканлигини исботловчи гавдаси ижобий таассурот қолдиришга хизмат қилади» [5; 119 с.], — дейди. Яна бир рус офицери Снесарёв ўзининг Шарқий Бухоро тўғрисидаги ҳарбий-тарихий очеркида мавжуд от зотларининг ичида Ўрта Осиёга машҳур бўлган Лақайи отларнинг Ховалингда ва Кўлоб беклигида кўрганлигини, уларнинг улуғворлиги: елкасининг кенглиги, оёқлари ва гавдасининг бақувватлиги, орқасининг кенглиги ҳамда салмоқчилиги ҳақида тўхталади [6; 63 с.].

Лақайи отларнинг бақувват, чопқир ва чидамлилигини эътироф этиб, мутахассислар отларнинг 150-160 килограмм юк билан бир кеча-кундузда саксон чақиримдан ҳам ортиқ йўлни босиб ўтишини, тез юрса соатига 8-9 км.ни, йўрғалаб соатига 13-16 км.ни босиб ўтишини, шунингдек яхши от енгилроқ юк билан 180 чақирим масофани бир кеча-кундузда босиб ўта олишини таъкидлашганлар.

Лақайи отлар 1990 йилларгача 20 минг бошни ташкил этиб, Султонобод, Ҳисор, Кофарниҳон, Турсунзода ва Хатлон вилоятида парвариш қилинар эди.

Йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларида Хрущевнинг отларга қарши сиёсати туфайли отлар мажбурий гўштга топширилиб, Душанбе шаҳридаги гўшт комбинатининг имконияти тугаб, Кўктош-Султонобод йўналишида отларнинг йирик миқдори тўрт томони тоғ бўлган ораликқа йиғилиб, атрофдан пулемётлардан отиб ташланади. Сўнг бульдозерлар ёрдамида тупроқ билан кўмиб ташланади. Ўша атрофдаги аҳолининг гувоҳлик беришларича отлар отилиб кўмилгач, қирқ кун давомида ўша жойдан отларнинг мунгли кишнашлари эшитилиб турган. Бу жой «Отмозор» деб аталиб, ўша ўша атрофдан ўтаётган отлар бугунги кунда ҳам мунгли кишнайди. Бугунги кунда ҳам «Отмозор»нинг у томони билан бу томонидаги қишлоқларда истикомат қилувчи эркаклар бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа ташриф буюришда «Олисроқ бўлса ҳам «Отмозор»ни айланиб келдим,

отимни йиғлатгим келмади», — деган ибораларни тез-тез эшитишга тўғри келади.

Маълумки, илгари кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларни отсиз тасаввур қилиб бўлмаган. «*Ат жигиттиң қанати*» сифатида эл муваффақиятини таъминлаган асосий омиллардан бири от бўлган. «*Аттиң деву бар, инсу жинс қачади*», дейилиб, ташқи ғайритабiiй таҳдидларга қарши куч сифатида ҳам эъзозланган. От – олти ойгача қулун, бир яшаргача *тай* (айрим ҳудудларда – *жабағи*), бир яшардан ошгани – *калтетай*, икки яшари – *ғўнен*, уч яшари – *дўнен*, ҳали уюрга қўйилмагани – *бедев*, урғочиси – *бедев бие* ва ҳоказо. Етилган эркак от – *айғир*, ғайрат шижоатли жанговар, урушқоқ от – *сақа айғир* деб аталган.

От турига қараб: *жирмел ат* – узоқ йўлга ярайдиган, олис сафарда чарчамайдиган от; *жиртек ат* – сакраб юрувчи ва югуришга мойил от; *чарс ат* – эгасидан бошқани йўлатмайдиган, безовта ҳолатда турадиган от; *шуңқар ат* – майса ва ўланларни танлаб еб, семирмасада, тез югурувчи от; *жатақ ат* – ётишга кўпроқ мойил, ювош от, ёш болаларга хавфсиз; *қақбаиш ат* – ёлғиз юришни хушловчи, бошқа отларга кўшилмай якка ўтлаб юришни ёқтирувчи от; *тиштек ат* – минишда тинч турмайдиган, бошқаларни ўзига яқинлашишини хуш кўрмайдиган от.

Отлар *мингич ат*, *пайгечи ат*, *улақчи ат*, *жук таиувчиларга* бўлинади. Отлар *тулпар ат* – чарчамайдиган, ҳоримайдиган, бели узун, келишган, зотли, ўз атрофидаги отларнинггина эмас, ҳатто одамларнинг мақсадини сеза оладиган даражада бўлиб, ҳаракатлари шундан келиб чиқувчи; *дулдул ат* – оёқлари йўғон, ўзи ҳам бақувват от сифатида олис сафарда ҳамда олис ҳарбий амалиётларда чидамли ва ишончли от; *жорга ат* – бир текис майда қадам ташласада тезлиги бошқа отлардан фарқланувчи; *жуёрик ат* – бир текисда тез югурувчи отларга бўлинган.

Отларнинг ранги ҳам турлича номланади. *Ақ ат*; *ала ат*; *ақ боз ат*; *боз ат*; *боз тарлан*; *бурул ат*; От боқувчини *сайис*, отнинг тури, хислати, ҳолатини билувчи

шахс – *синчи* деб аталган.

Туркий халқлар қадриятларини отсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундан юз йил илгари ҳали Шарқий Бухорода советлар ҳокимияти ўрнатилмаган пайтда (1919-1920 йиллар) Ҳисор беклигида Ибрайим жебечи номли йилқичи бой бўлиб, унинг уюрида қизил оти чаққонлиги, абжирлиги, бақувватлиги ва эгасининг ишора ва ҳаракатидан уни англай олиши жиҳатидан бошқа отлардан ажралиб, кўпқарида Лақайнинг Келекей уруғидан бўлган Мардан чавандоз суворийлигида совринни ўзгаларга бермасдан келган.

У даврда шундай одат бўлган экан: кўпқари берувчи кишининг отаси ёки онаси баъзи ҳолларда бош соврин сифатида ўзларини қўйишар экан. Бош совринни элат вакилларида эгалласа – бу яна элнинг шуҳратига шуҳрат қўшади, бош совринни ўзгалар эгалласа – соврин эгасидан бош совриннинг фарзанди отасини ёки онасини қайтариб сотиб олиши керак. Бунда совринни эгаллаган чавандознинг инсофига қараб, мол дунёсининг тўртдан бири, учдан бири, ярми ёки бариси кетиши мумкин. Отаси ёки онаси ўзларини соврин сифатида қўйиш замирида икки хил ҳикмат бўлган:

1. Элни ору номус йўлида бирбовур бўлишга, ботирликка ундаш. Чунки, бош соврин Элдан, демакки лақайдан ташқарига чиқиши керак эмас. Бунинг учун эл бирлашиб ҳаракат қилиши керак. Чунки, бош совринни ўз элидан чиққан чавандоз эгалласа, бош соврин бўлган Ота ёки Онани ўз Отаси ёки Онаси сифатида ҳисоблаб, қариянинг дуосини олиб, шунинг ўзи менга кифоя, деб кетаверади. Лекин, тўй эгаси бу тутинган акаси ёки укасига бир-неча йилқи ҳадя этиб, рози қилган.

2. Бош совринни олган одам элда ва ҳатто элдан ташқарида ҳам машҳур инсон саналган. Қариялар томонидан шундай инсон билан фарзандларининг орасида қариндошлик ипларини боғлаш ҳам буюк ҳикмат саналиб, тўй эгасининг ҳам жамиятдаги ўрнини бир-неча поғона кўтаришга хизмат қилган. Шу сабабли, эл чавандозларининг салоҳиятига ишонган

қариялар бош соврин сифатида ўзларини кўпқарига қўйишган.

1920 йилнинг илк баҳорида Ҳисор беклигининг Қўктош жулгесиде лақайлардан бир ўзига тўқ одам улоқ бермоқчи бўлади. Онаси бош соврин сифатида ўзини кўпқарига қўйган бўлади. Албатта момо ҳам элнинг буюк чавандозлари Мардан ва Ешимга ишонар эди. Улоқ тортиш йилнинг салқин мавсумида кеч кучдан эрта баҳоргача ўтказилиши сабабли Ҳисор, Денов, Бойсун, Қабодиён ва ҳатто Балжувон бекликларида тўй қилиб, улоқ берувчилар аксарият, шу боис «Маслаҳат оши»дан икки ой кейин га тўй куни белгиланади. Аксига олиб, ушбу тўйдан бир ҳафта олдинги бошқа бир улоқда қатнашган Мардан чавандознинг ўнг қўли отлар узангиси сикувида қолиб синган бўлади. Ушбу тўйда қўли бўйнига осилган Мардан чавандоз томошабин сифатида кўпқарида қатнашмоқчи бўлади. Чавандознинг қўли осилган ҳолатини кўриб, эл вакиллари иккиланиб, руҳлари тушгандек бўлиб вазиятни кутишади.

Кичик совринларда ёш йигитлар улоқни тортишади. Шу тариқа майдон қизий бошлайди. Бош соврин сифатида тўй эгасининг онаси эълон қилинган, майдонни Ҳисор ва Лақайдан ташқари, Данғара, Шаҳартуз Қабодиён, Денов, Жарқўрғон, Термиз ва ҳатто Қаршидан келган гуруҳлар майдонни тўлдиради. Мардоннинг ижозати билан машҳур қизил отда унинг шогирди Ешим чавандоз кўпқарига киради. Лақайлар Ешимнинг атрофида бирлашадилар. Ешим ҳам машҳур чавандоз эди, лекин Мардон билан тилдош бўлган Қизил от Ешимнинг ҳаракатини, Ешим эса Қизилнинг ҳаракатини тезда илғай олмаслиги эҳтимоли устун эди, бу жиҳат кўпқаридан етакчи ўринни эгаллаши ҳеч кимга сир эмас, албатта. Лақай чавандозларининг биргаликдаги ҳаракати туфайли улоқ сифатида ташланган беш яшар таканинг гавдасини муҳорабалардан бирида Ешим қўлга киритиб, тақимиға қисиб олади, бироқ етти-саккиз йирик гуруҳлардан иборат рақиблар ҳам Ешим чавандозга имкон бермасдан тобора имконини чеклаб

бобравадилар. Буни кузатиб турган Мардон чавандоз чидай олмасдан ёнида ўзга бир чавандознинг яйдоқ турган отининг қозиғини ердан суғуриб, бир сакраб минадида, майдонга ошиқади. Яланғоч отда издихомга қўшилиб, суқилиб, Ешимга яқинлашганда Лақай йигитлари йўл очиб, чавандозга имкон беришади, Мардон Ешим билан ёнма-ён бўлгач, бир сакраб Мардон Қизил отга чиқиб, Ешимнинг тақимидаги улоқни кўлига олади, Ешим эса сакраб Мардон миниб келган яйдоқ отга минади. Қизил от – ўзининг эгаси Мардон минганини сезиб, журъатланади. Биргаликдаги уйғун ҳаракат, отнинг тумшуғи ва бели билан ва ҳатто оёқлари билан рақиб отларни тепиши Мардоннинг рақиблар издихомидан чиқишини таъминлаб боради. Мардоннинг устунлигида Қизил от майдонни бир-неча маротаба айлансада, рақиблар ҳам кучлилиқ қилиб, маррага яқинлашишига имкон бермайди. Чунки, рақиблар томонидан улоқ ташланадиган марра қаттиқ кўриқланувда эди. Элнинг бариси ўрниларидан туриб, Мардон, Мардон деб олқишлай бошлайди. Мардон рақиблар куршовида Майдонни бир-неча маротаба айлангач, отнинг жilовини ўз ихтиёрига, яъни бўш қўйиб, энқайиб отнинг ёлидан ўпади ва «Элнинг ору номуси иккимизда қолди, энди бу ёғини ўзинг биласан, жонивор», — дейди. От ҳам бундай қаттиқ таъқибда улоқни маррага етказишнинг фойдасизлигини сезиб, бир чақирим нарида пишқириб оқаётган Кофарниҳон дарёси сари чопа бошлайди. Рақиблар ҳам ортидан қолишмайди. Илк баҳорда пишқириб оқаётган дарёга баланд қирғоқдан Қизил ўзини ташлайди. Рақиблар эса қирғоқда отлари жilовини тортиб қолишади. Тошиб оқаётган дарёда Қизил ва унинг суворийси бир муддат кўринмай қолади. Барча рақиблар отни ҳам, чавандозни ҳам сув олиб кетди, деб ўйлаб, бири «Чавандоз увол бўлди» деса, яна бири «От увол бўлди» деб бош чайқашади. Анча муддатдан сўнг сувнинг ўртасида отнинг устидаги Мардон чавандознинг боши кўринади. Сўнг отнинг боши кўрингач, рақиблар: «Мардоннинг тақимидаги улоқ

дарёга кетган, демак бу ҳисоб эмас, мусобақани қайтадан бошлаймиз», дейишади. От сузиб нариги қирғоққа ўтгач, Мардон чавандоз тақимидаги улоқни олиб, боши узра кўтариб, отни орқасига буриб олиб, улоқни бошидан айлантириб-айлантириб, «қайси бирингнинг ғайратинг бўлса, келиб мана ол», деб, ерга улоқтиради. Ўзи тантанали равишда ерда ётган улоқ атрофида отни икки-уч айлантиради. Бунда бутун халқ ва баковуллар ҳам нариги қирғоқда тўпланган бўлади. Рақиблар, томошага келганлар ва баковуллар «соврин сеники, соврин Мардонники, соврин Лақайда қолди, Она сутингдек ҳалол», фақат улоқни бу қирғоққа олиб қайт», деб баралла бақира бошлайдилар. Шунда, отни чўккалатиб, Мардон улоқни ердан оладида яна отни дарёга солади. Илк баҳорда пишқириб оқаётган асов дарёдан Мардоннинг эсон-омон ўтишига шубҳа билан қараб, рақиблар кузатиб туришади. Мардон Қизил отда қиялаб сузиб издихом томонга ўтади. Ўн беш-йигирма дақиқалик бу ҳолат Мардон чавандозга ҳам, Қизилга ҳам, Элга ҳам шухрат келтиради. Ва ўша лаҳзада Бойсунлик бир бой минг йилқига Қизилнинг баҳосини баҳолаб, отнинг эгасидан сотишини сўрайди. Отнинг эгаси Ибрайим жебечи – «*Элимнинг ору-номусини ҳимоя қилган отни ўн минг йилқига ҳам сотмайман*», — дейди. Орадан беш олти ой вақт ўтгач, большевиклар босқини бошланади. Иброҳимбек бошчилигида лақай йигитлари қўлларига курол олишиб, майдонга чиққач, машҳур Қизил Отнинг эгаси – Ибрайим жебечи, отини етаклаб келиб, шахсан Иброҳимбекка топшириб, «Менинг ўғлим йўқ, шу от менинг ўғлим каби душманга қарши ғазовотда иштирок этсин», деб, топширади. Жангларда қатнашиб, зафарларни кўлга киритгач, от Ғози Қизил номи билан машҳур бўлади. Иброҳимбек Афғонистонга ўтгунига қадар Иброҳимбекка хизмат қилади. 1926 йилнинг ёзида Иброҳимбек Ғози Қизил билан Афғонистонга ўтиб кетгач, отнинг тақдири номаълум бўлиб кетади. Демак, қадриятларимиз намунаси сифатида от ҳам аждодларимизнинг шарафли ҳаётини

таъминлашга хизмат қилиб келганлиги эътиборни тортади.

Бугунги кунда Лақайлар фольклорида от ҳақида бир қатор мақоллар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари қўйидагилар:

Ат авнаған жерде тук қалар.

Ат айналип, қазигини табади.

Ат аламан деп уринсаң – давлеттин кегени, бир жолда еки сурынсең абийирдин кеткени.

Ат асаң, бойи минан башиға қара, хатин асаң қўзи минен қашиға қара.

Ат асаң миниб ал, хатин асаң қўриб ал.

Ат башиға кун тувса, сувлиғиман сув ичер, ер башиға кун тувса — етигимен сув кечер.

Ат болатқан қулинниң, бавури жазик келеди, батир бўғич жигиттиң — маңнайи жазик келеди.

Ат ворнини тай басар.

Ат егесиниң насибесини тилейди.

Ат жигиттиң қанати.

Ат кишнесе уйирини сағинади, ер еснесе елини сағинади.

Ат кўрмеген ат кўрсе, чаба-чаба вўлтирер, тон киймеген, тон кийсе — қаға-қаға тоздирар.

Ат сувимаған боса, узақ жолда жарилиб вўледи.

Ат сувсаса сув ичер, сувсамаса сув кечер.

Ат тузға имтилади, жигит қизға.

Ат ҳам бирде жалли, бирде жалсиз, жигит бирде малли — бирде малсиз.

Ат уюрин сағинса, алисқа кўз тайлайди, ер елини сағинса — белбевини байлайди [7; 163-165 б].

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Умуман олганда, отлар туркий халқлар ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, тарихий жараёнларда аждодларимизнинг муваффақиятини таъминлаб келган феномен сифатида тадқиқ этишга лойиқ. Шу боис, халқ оғзаки ижодида от образи алоҳида ўрин эгаллаб, барча туркий қаҳрамонлик эпосларида учраши отнинг аждодларимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрнини кўрсатади.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2001.
2. Қармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. – Сталинабад, 1954.
3. Лютко Ф.И. Басмачество в Локае. – Москва-Ленинград, 1929.
4. Калинин В.И., Яковлев А.А. Коневодство. – Москва, 1947.
5. Бронников Н. Поездка в Горную Бухарию (Путевые наброски). //Туркестанские ведомости. 1896. №29.
6. Снесарев А.Е. Восточная Бухара. Сборник материалов по Азии. Вып. 79. -Санкт-Петербург, 1906.
7. Назаров Н.А. Лақайлар: этнография, лингвистика, фольклор. – Ташкент: Tamaddun, 2010.